

**ШАХСНИНГ АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
МЕДИАКОМПЕТЕНТЛИК ЁНДАШУВЛАРИ ХОРИЖИЙ
МАМЛАКАТЛАР МИСОЛИДА**

Рахимова Шахноза Анваровна

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети “Ахборот кутубхона тизимлари” кафедраси в.б.доценти PhD

Email: shaxnoz10@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада Ўзбекистон Республикасининг шахснинг ахборот маданиятини ривожлантиришида медиакомпетентлилик ёндашувины устувор йўналишиларини аниқлаши юзасидан соҳада етакчи давлатлар Америка Кўшима Штатлари (АҚШ), Канада, Австралия, Франция ва Финландия хорижий давлатлар тажрибалари ўрганилди. Уларнинг ижобий тажрибаси таҳлил қилиниб, Ўзбекистонда медиа ва ахборот соҳасининг меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий-техник, маънавий-марифий йўналишиларини ривожлантириши, таълим соҳасида медиатаълимни жорий этишини амалга ошириш кўзда тутилган чора-тадбирлар юзасидан мулоҳазалар билдирилган.

Калим сўзи: ахборот, маданият, ахборотлашув, жамият, шахс, ёндашув, медиакомпетентлик, медиатаълим, медиа, интеграция

**MEDIA-COMPETENT APPROACHES TO THE DEVELOPMENT OF AN
INDIVIDUAL'S INFORMATION CULTURE ON THE EXAMPLE OF
FOREIGN COUNTRIES**

Rakhimova Shakhnoza Anvarovna

Associate Professor, Doctor of Philosophy (PhD) in Sociological Sciences, Tashkent University of Information Technologies named after Muhammad al-Khwarizmi

ABSTRACT

This article has studied the experience of the United States of America (USA), Canada, Australia, France and Finland, the leading countries in this field, in order to determine the current priorities of the media-competent approach in the development of information culture of the Republic of Uzbekistan. Their positive experience was analyzed and comments were made on the measures envisaged for the development of regulatory, organizational, technical, moral and educational activities of the media and the information sector of Uzbekistan, as well as the introduction of media education in the field of education.

Keywords: *information, culture, communication, society, personality, approach, media competence, media education, media, integration*

КИРИШ

Хозирги замонда ахборот техника тараққиёти – шахс, жамият, давлат ҳаёти ва фаолиятига борган сари таъсири кучайиб бориши билан белгиланади. Ахборот соҳаси, яъни ахборотлар мажмууси, маълумот ва ахборотни йиғувчи, тарқатувчи воситалардан иборат тизим, шак-шубҳасиз ижтимоий муносабатларни бошқарувчи ва йўналтирувчи муҳим тармоқ саналади. Маълумотлар билан ишлаш усуллари ўзгариши ва янги ахборот технологияларни қўллаш соҳаларининг кенгайиши шароитида ахборот-психологик таҳдидларнинг шахс онига таъсири ортиб боришидан иборат.

Ахборот олиш ва уни етказиш, таъсирчан жамоатчилик фикрини шакллантириш борасида ҳам рақобат кескин тус олган бўлиб, жамиятнинг ахборотлашуви жараёнида маданиятлар алмашинувини ҳам тезлаштириб юборди. Ахборот маданияти ривожлантириш ва замонавий шароитда уни хар бир шахсда шакллантириб бориш долзарб масалалардан саналади.

Сўнгги вақтларда ахборот маданияти тушунчасини шахснинг ахборот ва маданият компонентларининг интеграциялашуви вазиятидек яхлит қараш тенденцияси кучаймоқда. Ахборот маданияти умуминсоний маданиятнинг бир

қирраси сифатида қаралмоқда. Ахборот маданияти шахснинг ўқув, илмий-билиш, мустақил таълим олиш, дам олиш ва бошқа фаолият жараёнида пайдо бўладиган ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган, шахсий ахборот фаолиятини самарали ташкил қилишни таъминлайдиган билимлар, малака ва кўникмаларнинг тизимлаштирилган мажмуасидир.

Ахборот маданияти бугунги кунда инсондан янги компетентлиликни, жумладан, ахборот-коммуникация мулоқотини ташкил этиш, ахборот муҳити билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, адаптив ижтимоий технологияларни қўллаш кўникмаларини эгаллашни талаб қиласди.

АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Илмий тадқиқотларда “ахборот маданияти” тушунчасининг келиб чиқиши Гершунский Б.С., Гендина Н.И., Лопатина Н.В., Стародубова Г.А., Скворцова Л.В., Хангельдиева И.Г., Каракозов С.Д. ва бошқалар асарларида ўрганилган¹.

Ахборот маданиятини ривожлантириш ва таълимни маҳсус модернизация қилишда, кўпгина тадқиқотчилар медиакомпетентлиликнинг ривожланиши, маданиятларо мулоқот самарадорлигини ва таълимнинг кўп маданиятли хусусиятини таъминлаш учун зарур шарт-шароит сифатида қарашади. Оробинский А.М., Акуленко В.Л., Завялова А.Н., Зайцева О.Б., Захарова О.А., Семёнов А.Л., Таирова Н.Ю., Кизик О.А., Куткина О.П., А.С Медведеваларнинг тадқиқот ишлари асосан ўқитувчининг ахборот

¹ Гершунский Б.С. Грамотность для XXI века//Сов. педагогика. 1990. №4. С. 58-64. Гендина Н.И. Информационная грамотность и информационная культура личности: международный и российский подходы к решению проблемы//Открытое образование: научно-практический журнал. 2007. №5(64).С.58–69. Лопатина Н.В. Библиотечная профессия в информационном обществе: разрушение или развитие//Научнотехническая информация. Серия1. Организация и методика информационной работы/Всероссийский институт научной и технической информации РАН. 2014. №5.С.18-23. Стародубова Г.А. Психологопедагогические основы формирования информационной культуры подрастающего поколения// Информационные недра Кузбасса: тр. Четвертой Всерос. науч.-практ. конф. – Кемерово: ИНТ, 2005.-С.164.– 166. Скворцова Л.В. Информационная культура и проблема метаобразования // Метаобразование как философская и педагогическая проблема. – Ставрополь, 2001. С.51-63. Хангельдиева И.Г. Креативные технологии: опыт переосмысления и адаптации бизнес-технологий к образовательному процессу//Тетради Международного университета в Москве: сборник научных трудов. Тетрадь Культура. Выпуск15. Москва: Издательский дом Международного университета в Москве, 2015.С.218-224. Каракозов, С.Д. Информационная культура в контексте общей теории культуры личности // Пед. информатика. 2000. №2. С. 41-55.

компетентлилигини шакллантиришнинг психологик-педагогик жиҳатларига бағишиланган¹.

Ахборот маданиятини шакллантириш – комплекс ҳал қилиниши лозим бўлган кўпқиррали муаммодир. Ахборот маданияти – ахборотга бўлган муносабат, ахборотга нисбатан дунёқарашни шакллантириш методологиясини яратиши, шахсга ахборот жамиятининг фалсафасини тушунтириши, ахборот оқими орасидан керакли, зарур ахборотларни танлаб олиш кўникмаларини шакллантириши жиҳатидан муҳим аҳамиятга эгадир. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шахснинг ахборот олиш малакаларини шакллантириш узоқ ва тизимли йўл тутишни талаб этади. Шунинг учун ҳам мазкур муаммо фақатгина маълум бир давлат чегараларидан чиқиб, глобал характерга эга бўлмоқда.

“Ахборот олиш” атамаси илк бор XX асрнинг 70 йилларида пайдо бўлган. Ушбу тушунчани ривожлантириш ва оммавийлаштириш бўйича кутубхоначилар ташаббус кўрсатдилар. Бу атама биринчи бор библиографлар К.М.Войханск ва Б.А. Смирноваларнинг “Кутубхоначилар ва китобхонлар ахборот маданияти хусусида” (“Кутубхона ва ахборот”, 1974 й.) ва Э.Л.Шапиронинг “Ахборот сўровларининг ноаниқликларини камайтириш йўллари ҳақида” (“Илмий-техник кутубхоналар” журнали, 1975 й.) номли

¹ Оробинский А.М.Информационно-педагогическая компетентность преподавателя вуза. канд.диссер.2001. 2001, Ростов-на-Дону. Акуленко В.Л. Формирование ИКТ-компетентности учителя-предметника в системе повышения квалификации // Применение новых технологий в образовании: Материалы XV Междунар. конф. 29-30 июня 2004 г. Троицк: Изд-во «Тровант», 2004. Завьялова М.П. Воспитание ценностных основ информационной культуры младших школьников // Начальная школа. 2005. №11. С.120-126. Зайцева О.Б., Информационная компетентность учителя образовательной области «Технология» // Педагогика. 2004. №7. С.17-23. Захарова Н.И. Современные требования к уровню освоения информационной культуры в начальной школе. Образовательный форум «Education,forward!» Профессиональный стандарт. Формирование трудовых ресурсов высокой квалификации. Якутск, 2013. Семёнов А.Л. Роль информационных технологий в общем среднем образовании. М.:Изд-во, 2000. 12с. Таирова Н.Ю. Развитие информационно-исследовательской компетентности преподавателя педагогического университета, канд.диссер. 2001, Ростов-на-Дону. Кизик О.А. Информационная компетентность, как составляющая профессиональной компетентности выпускника профессионального лицея // Письма в emissia.offline/.Электронный научно-педагогический журнал. ART 866, 2002. Кутькина О.П. Педагогические условия формирования медиакомпетентности будущих библиотечно-информационных специалистов: автореф. дис... канд. пед. наук. Б.: 2006. 28 с. Медведева А.С. Коммуникативная компетентность как объект междисциплинарного исследования // Наука, образование, культура/ 4-2017, с-50-54.

мақолаларида фанга олиб кирилган. Анъанавий ахборот маданияти қуидагилардан ташкил топган.

- 1.Кутубхона-библиография саводхонлиги;
- 2.Мутолаа маданияти;
- 3.Компьютер саводхонлиги.

Кутубхона-библиография саводхонлиги – кутубхона ва ахборот ресурс марказининг маълумот-библиография фонди аппаратини осонлик билан йўналтира олиш қўникмасига эга бўлган малакали фойдаланувчини тайёрлаш учун зарур. Мутолаа маданияти эса нашр этилган ишларни тўлақонли тушуниш ва қабул этишда фойдаланувчи учун зарур бўлган билим ва қўникмалар мажмуаси хисобланади. Компьютер саводхонлиги – компьютер бўйича қўникмаларга эга бўлиш материални тезкор ва самарали шакллантириш қобилиятини, маълумот қидируви ва маълумотни қайта ишиш бўйича салоҳиятни ривожлантиради ва талаб этади.

Ахборот маданияти бу – ахборот билан мақсадни кўзлаган ҳолда ишиш қўникмасига эга бўлиш, шунингдек, ахборотни фойдаланиш учун ола билиш, компьютер ахборот технологиясини, янги техник восита ва услубларини таҳлил қилиш ва узатиш. Анъанавий ахборот маданиятининг асосий белгилари қуидагилар ҳисобланади: *ахборотни қидириши; ахборотни саралаши; ахборотни таҳлил қилиши; ахборотни кўллаши.*

Сўнгги йилларда жамият ва ҳар бир инсоннинг янги маданиятини алоҳида-алоҳида белгилайдиган ягона ахборот муҳити шаклланмоқда. Ахборот илмий категория ҳисобланиб, нафақат борлиқнинг умумий шакллари ёки уларнинг алоқадорлиги сабабий боғлиқлигини қайд этади, балки табиат ва жамиятда ифодаланадиган ходиса-воқеаларни билишда қуидан юқорига ривожланишнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Ахборот маданиятини эгаллаш турли омилларга боғлиқ бўлиб, у кўпинча касбий маданият замирида

ифодаланиши мумкин. Чунки, тез суръатлар рақамли иқтисодиёт, рақамли технологиялар, медиа воситалари билан ишлаш ҳар бир соҳага кириб бораётганлигини ва касбий поғоналарда ўсаётган мутахассис ахборот маданиятини касбий маданиятнинг маҳсули сифатида кўриши мумкин. Жамиятда инсоннинг ишлаб чиқаришдаги фаолиятининг аҳамияти ортиши билан ахборот маданияти умуминсоний тараққиётга катта таъсир кўрсата олади.

Ахборот маданияти тадқиқотчилар томонидан ахборот жараёнларига аудиовизуал, мантиқий, концептуал-терминалогик, коммуникация ва тармоқ турларининг синтези, ахлоқий меъёрлар ва қоидалар тизимиға асосланган интеграл концепция сифатида иштирок этиш қобилияти сифатида қаралади. Ушбу ёндашув шахслараро ва маданиятлараро муносабатларнинг предмети сифатида муайян шахсга қаратилган бўлиб, ижтимоий ахборот ёрдамида шахснинг дунёқарашини шакллантириш имконини беради. Улар:

керакли ахборотни идрок этиш даражаси, унинг интенсив ассимиляция ва қўллаш даражаси бу хатти-ҳаракатларга ижобий таъсир кўрсатади;

ахборот хатти-ҳаракати услуби нуқтаи назаридан қиймат йўналишларини шакллантиради;

ахборот-коммуникация технологияларини фаол ривожлантиради.

Бир қатор замонавий олимларнинг фикрига кўра, ахборот маданиятининг предмети сифатида шахс тушунчасига **ижтимоий ёндашув** қуйидагиларни ўз ичига олади:

- билимларни олиш, қайта ишлаш ва тизимлаштиришнинг замонавий воситаларидан фойдаланиш қобилияти;
- табиат ва жамиятда ахборот жараёнларининг моҳияти ва ролини тушуниш;
- жамиятдаги воқеа ва ҳодисаларни таҳлил қилишда ахборот ёндашувидан фойдаланиш қўникмалари;
- турли ахборот манбалари билан ишлаш қобилияти;

•таҳлил ва синтез қилинган ахборотни қайта ишлаш асослари ва бошқалар.

“Шахснинг ахборот маданияти” концепциясини аниқлашда ижтимоий-маданий ёндашувнинг ўзига хослиги қуидагилардан иборат:

•ижтимоий аҳамиятга эга ахборотни ўзлаштириш жараёнида шахснинг маънавий дунёсини уйғулапштиришда;

•динамик ўзгарувчан иқтисодий, сиёсий, умумий маданий шароитларда ижтимоий мослашиш қобилияти;

•олинган маълумотларни мустақил равишда талқин қилиш;

•танқидий фикрлашни ривожлантиришда;

•ахборот жамиятида ижтимоий-маданий фаолият турларини танлашда, шахсий маданиятни шакллантиришнинг бир қисми сифатида.

Шахснинг ахборот маданиятини шакллантириш ва юзага келиш жараёни ахборот малакаси, маданий қадриятлари, ахборот ташаббускорлиги, ҳамда ахборот технологиялари каби асосий тоифаларининг мазмун моҳиятини билишни назарда тутади ва бошқа қуидаги муҳим вазифалар орқали кўриб чиқилади:

—ахборот таълимида кузатилиши мумкин бўлган когнитив функция;

—умуминсоний маданий қадриятлар ва хулқ-авторни ривожлантиришга қаратилган таълим функцияси;

—муайян ижтимоий-маданий вазиятларда субъектларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайдиган ахборот-коммуникация функцияси;

—хулқ-авторнинг умумий қабул қилинган намуналарини ўзлаштириш орқали ахлоқий меъёр ва хатти-харакат қоидаларини шакллантиришга асосланган тартибга солиш функцияси;

—ахборотни шахсий эҳтиёжларга мослаштириш қобилиятининг механизмини акс эттирувчи таҳлилий функция;

—алоқа жараёнлари орқали ижтимоий-маданий соҳада ижодий салоҳиятни ривожлантиришга қаратилган маданий функция.

Ахборот маданияти асосларини ривожлантириш жараёнига таъсир қилувчи асосий тамойиллар қўйидагилардир:

- ижтимоий ахборотни бошқариш жараёнини оптималлаштириш бўйича изоҳ ва қўшимчалар;
- концептуал моделлар ва ахборот намуналарини шакллантиришда ахборотни истеъмол қилиш ва қайта ишлашнинг адекватлиги (мослиги);
- ижтимоий ахборотнинг долзарблиги;
- ахборотнинг асосий таркибий қисмларини ажратиш билан ахборотни тузиш, ахборотни тақдим этишнинг мавжудлиги;
- муайян ахборотнинг ўз вақтидалиги ва узлуксизлиги.

Ахборот маданияти ахборот билан мақсадли ишлаш, ахборотни расмий қўлга киритиш, уни илмий услублар ёрдамида қайта ишлаш, ўз вақтида узатиш, замонавий воситалар ҳамда усусларни қўллай олиш малакаси ва кўникмасига эга бўлишдир. Замонавий жамиятда ахборот маданиятининг аҳамияти шундан иборатки, унинг шаклланиши орқали шахс томонидан ўзини англашнинг долзарблиги учун, шунингдек, маданий салоҳиятни, ўз-ўзини тарбиялаш ва шахслараро мулоқотни ривожлантириш учун кенг имкониятлар очилади.

НАТИЖАЛАР

Ҳозирги кунда жамиятни ахборотлаштириш даражаси давлатнинг ривожланиш даражасини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири унинг иқтисодий ва сиёсий салоҳиятининг энг муҳим омилидир. Жамиятни ахборотлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири шахснинг ахборот маданиятини шакллантиришдир. Бу борада чоп этилган бир қатор ҳужжатлар гувоҳлик беради: Халқаро ахборот саммити (Женева, 2003й.; Тунис, 2005й.) 2006 йилда Сеулда ИФЛАНИНГ Бутунжаҳон 72-кутубхоначилик ва ахборотлаштириш конгрессида ЮНЕСКО нинг очиқ форуми бўлиб ўтиб, мазкур форумда бошқа бир қатор муҳим йўналишлар билан бирга ахборот олиш маданиятини шакллантириш масаласи муҳим йўналишлардан бири

эканлиги тан олиниб, ривожлантириш, ғоялари илгари сурилди. Бутундуң хамжамияти томонидан ИФЛА ва ЮНЕСКОнинг ахборот маданиятини шакллантириш борасидаги ғоялари тан олиниб, маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари”га бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида таълим, илм-фан, давлатнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш юзасидан қатор вазифаларни белгилаб берди. Булар қаторида ўқувчи-ёшларнинг бадиий, илмий, тарихий адабиётларни ўқишига бўлган қизиқишларини шакллантириш борасидаги қуидаги фикрларини келтириш мумкин: “Хозирги пайтда ҳаммамизнинг олдимиизда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала, яъни китобхонликни кенг ёйиш ва ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси амалга оширилмоқда.¹”.

Президентимизнинг томонидан 2019 йилда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни замон талаблари даражасига кўтарди. Қарорга кўра, 186 та туман (шахар) ахбороткутубхона марказлари босқичма-босқич ташкил этилади. Уларда китобларнинг босма нашрларидан ташқари электрон вариантларини ҳам ўз ичига олади. Бу китобхонларга интернет орқали масофадан ахборот кутубхона хизмати кўрсатиш имкониятини беради.

Шунингдек, 2019-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот кутубхона соҳасини ривожлантириш концепцияси, соҳани ривожлантириш

¹ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартибинизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. / Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъзуза, 2017 йил 14 январь. – Тошкент: Ўзбекистон , 2017. – 47-б.

бўйича чора-тадбирлар дастури ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот-ресурс марказининг ташкилий тузилмаси тасдиқланди. Мустақил таълим олиш ва мулоқот доирасини кенгайтириш усули сифатида ахборотдан фойдаланиш имкониятларини яратиш, фойдаланувчиларга ҳар қандай ташувчиларда (босма, мультимедиа ва рақамли), шу жумладан Интернет тармоғи ёрдамида сифатли ахборот манбаларидан фойдаланиш имкониятини яратиш, ўзининг ахборотресурсларини яратиш ва уларни доимий тўлдириб бориш орқали китобхонларга анъанавий хизмат кўрсатиш усулидан уларни замонавий ахборот-кутубхона хизматлари билан таъминлашга ўтиш ва аҳолига масофадан ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатишни ривожлантириш ва модернизация қилиш асосий вазифа этиб белгиланди.

МУХОКАМА

Бугунги кунда кўпчилик мамлакатларда медиа ва ахборот саводхонлиги, медиатаълим, шахснинг ахборот маданияти ривожлантириш меъёрий-хуқуқий, ташкилий-техник ва маънавий-психологик тарбия йўналишларида олиб борилмоқда. Улар ахборотлашган жамиятда шахс, груп, жамоа ва жамият ахборот маданиятини шаклланиши, ривожланишига шарт-шароитлар яратиш механизmlарининг самадорлигига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда шахснинг ахборот маданиятини ривожлантиришда медиакомпетентлилик ёндашувини жорий этишининг устувор йўналишларини аниқлаш юзасидан соҳада етакчи давлатлар Америка Қўшма Штатлари (АҚШ), Канада, Австралия, Франция ва Финландия хорижий давлатлар тажрибалари ўрганилди.

Шахснинг ахборот маданиятини ривожлантиришда медиакомпетентлилик ёндашувини жорий этишининг АҚШ тажрибаси.

Ҳозирги кунда Европа давлатлари, АҚШ, Австралия ва Россия сингари мамлакатларида медиатаълим мажбурий фан сифатида таълим тизимиға киритилган. 1980 йиллардаёқ АҚШда 90000 дан ортиқроқ одам телевидение,

радио, газета ва журналлар учун ахборот йиғиш билан банд бўлган, кабель тармоқларининг кашф этилиши 24 соатлик тўхтовсиз ахборот узатилишини таъминлади, шу билан бирга, 1650 дан ортиқ маҳаллий газеталар ҳафтасига 7500 янгиликдан одамларни хабардор қилишган. ОАВ миқёси кенгайиши медиатаълим ривожи учун шарт-шароит яратди. Бугунги кунга келиб, барча 50 та штатда медиасаводхонлик медиакомпетентлилик бўйича таълим инглиз тили ва санъат билан боғлиқ ҳолда ўтилади. 30 штатда эса ижтимоий фанлар, тарих ва фуқаро ҳукуқлари, экология ва тиббиёт фанлари гуруҳида медиатаълимдан фойдаланилади.

Замонавий амалиётда АҚШ медиатаълимни ўқитиш мобайнида Интернет тизимининг имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Ўсмирлар Интернетдан мулоқот қилиш, қизиқишлирига доир маълумотларини қидириш, янги ижтимоий ролларни “синааб кўриш”, ўзини ифода этиш учун фойдаланиши сабабли ҳам Интернет таълим мақсадларида хизмат қилмоқда. 90 йилларнинг охирида Канададаги медиатаълим ҳаракатининг энг муҳим ютуқларидан бири бўлган Media Awareness Network деб номланган Интернет-ресурсининг яратилган бўлиб, бугунги кунгача контенти, материаллар, ўқув дастурлари ва дарс режалари ҳажми бўйича етакчи ҳисобланади. Медиатаълим соҳасидаги Американинг энг нуфузли ва ҳаволали сайtlарини икки асосий гурухга бўлиш мумкин: медиатаълим марказ, бирлашма ва фондлари сайtlари ва телевизион канал, газета ва журналларнинг онлайн нусхалари мавжуд бўлган ўқув сайtlари¹.

АҚШдаги оммавий ахборот воситаларининг энг йирик тарқатувчиси бўлган медиасаводхонлик марказининг веб-сайтини (www.medialit.org) таъкидлашимиз мумкин. Сайтда медиатаълимни фан ва ёш гуруҳига қараб мактаб мавзуларига қандай бирлаштириш, медиатаълим мавзусидаги мақолалар архивига кириш, бошқа манбаларга ҳаволалар ва бошқа керакли маълумотлар ҳақида фикрлар тақдим этилган. Таълим жараёнига ахборотнинг босма

¹ Левицкая А.А., Сердюков Р.В. Американские научно-образовательные центры в области медиапедагогики: сравнительный анализ//Дистанционное и виртуальное обучение. 2010, № 10. С.63-89

воситаларини бирлаштириш масалалари билан *Newspaper in Education* Ассоциацияси бугунги кунгача шуғулланмоқда, машғулотларни режалаштиришда услугий ёрдамни унинг www.nieonline.com сайтида топиш мүмкин. 2000 йилда асос солинган Alliance for a Media Literate America (AMLA – <http://www.amlainfo.org>) сайти Америка медиатаълим мактабининг ўзига хос ахборотномаси ҳисобланади, унда медиатаълим соҳасидаги олиб борилаётган тадқиқотлар ва уларнинг натижалари нашр қилинади. Бундан ташқари ушбу сайтда бўлиб ўтган ва келгусида режалаштирилган тадбир, семинар, конференциялар тўғрисида маълумот берилади.¹.

Америка медиатаълимининг етакчи видеоресурслари манбаи бўлган *Media Education Foundation* (<https://www.mediaed.org>) 1991 йилда ташкил этилган. Медиа ва оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий, сиёсий ва маданий оқибатлари ҳақида танқидий тасаввурни шакллантирадиган видеофильмларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш билан шуғулланадиган нотижорат ташкилоти ҳисобланади.

Teacher Source (www.pbs.org/teachersource) ва *Teacher Line* (www.pbs.org/teacherline) ўз сайтларида мактаб ўқитувчилари учун малака оширишнинг онлайн курсларини жамлаган бўлса, *Adult Learning Service* ўз ҳамкорлик дастурини коллежлар билан олиб боради. *PBS* ўз дастурларини ишлаб чиқармайди, балки маданий, маърифий, тарихий, илмий, ижтимоий сиёсий, табиат ҳақидаги дастурлар ва янгиликларни жамоат телевидениялари ва мустақил манбалардан олади. *TeacherSource* сайтида ўқитувчилар учун жойлаштирилган медиатаълим материаллари асосан *Language Arts* фанига бирлаштирилган. Унда медианинг хусусиятлари, компонентлари, массмедиада қўлланиладиган ишонтириш усуллари, шунингдек медиаматнлар қандай яратилиши, турли шакллардаги медиаматнлар шарҳлаш ва таҳлил қилиш батафсил ёритиб берилган.

¹ Considine D. (2000). Mastering the Media: The Appalachian Experience. *Telemedium. The Journal of Media Literacy*, Vol. 46, N 1, pp.22-23.

Шахснинг ахборот маданиятини ривожлантиришида медиакомпетентлилик ёндашувини жорий этишининг Канада тажрибаси.

ХХ асрнинг 90 йилларида Канада ва Австралияning барча ўрта мактабларида медиатълим умумий таълимнинг мажбурий, доимий компоненти, таркибий қисмига айланди (1-синфдан 12-синфгача). Сўнгти йилларда Канада медиатълим соҳасида дунёда тан олинган жаҳон етакчи давлати ҳисобланади. Канада машхур медиа назариётчиси Маршалл Маклюэннинг ватанидир. Айнан у 50 йилларда медиамаданиятни ўрганишга оид биринчи маҳсус ўкув курсини ишлаб чиқди. Медиамаданият инглиз тили бўйича мактаб ўкув режасининг ажралмас компонентига айланган. Замонавий босқичда медиатълимнинг интеграцияси нафақат инглиз/француз тили, балки тарих, математика, соғлиқни сақлаш, технология ва шу каби академик фанларда ҳам олиб борилмоқда. Медиамаданият бўйича курслар York University, Universite'de Montreal, Canadian Centre for Advanced Film Studies Windfields каби Канаданинг энг етакчи университетларида ҳам ўқитилади. Шунингдек, Канада таълим тизимиға илғор ахборот коммуникация технологиялари самарали жорий этилиб, уни ривожлантириш учун давлат ялпи ички маҳсулотнинг 7,1 фоизини ажратмоқда. Канада аҳолисининг медиасаводхонлик даражасини ошириш учун масофавий таълим имкониятларидан ҳам самарали фойдаланилмоқда¹.

Канада медиапедагогикаси асосида саккизта асосий қоидага асосланган:

- 1.Барча медиа маҳсулот йўналтирилган лойиҳалаш натижаси ҳисобланади.
- 2.Медиа ҳақиқатни яратади. 3.Тингловчилар медиаматнлар аҳамиятини ўзларининг тажрибалари, ёши, миллати нуқтаи назаридан ва бошқа жиҳатлар асосида баҳолайдилар. 4.Медиа тижорат мақсадларга эга. 5.Медиа муайян мафкурани ўз ичига олади ва маълум қадриятларни тарғиб қиласи. 6. Медиа ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга. 7.Медиада шакл ва мазмун бир-бири билан

¹Колесниченко В.Л., Канадские научно-образовательные центры в области медиапедагогики: сравнительный анализ//Дистанционное и виртуальное обучение. 2011, № 5. С.38-59

чамбарчас боғлиқ. 8.Медианинг ҳар бир кўриниши тақорорланмас эстетик шаклга эга.

Канадада медиапедагогика соҳасидаги ижобий натижаларга давлат таълим муассасалари ва турли хил оммавий ахборот воситалари вакиллари ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик туфайли эришилган. Медиатаълим соҳаси ривожи учун нафақат ҳукумат томонидан, балки турли медиа лойиҳаларни қисман молиялаштирувчи тижорат тузилмалари томонидан ҳам сезиларли молиявий ёрдам кўрсатилади. Умуман олганда, Канададаги медиапедагогика соҳасидаги барча илмий ва ўкув марказлари иккита асосий тоифага бўлинади: биринчи тоифага тегишли медиатаълим ташкилотлари, иккинчисига – Канададаги етакчи медиакорпорациялар киради.

“ОАВ тўғрисида маълумот тармоғи” (Media Awareness Network: MNet) нотижорат ташкилоти онлайн ресурсининг яратилиши 1990 йиллар охирида канада медиапедагогикасининг ажойиб ютуғи бўлди. Юқорида қайд этилган ташкилот жамиятда медиатаълим ғоясини тарғиб қиласди, медиа билан боғлиқ бўлган кенг кўламли мавзуларида кўплаб ўкув ресурсларини яратади, болалар ва ёшлар аудиториясининг Интернет саводхонлигини ошириш бўйича катта маънавий-маърифий ишларни олиб боради. MNet дастурларининг 80 фоиздан ортиғи ташкилотнинг сайтида инглиз ва француз тилларида жойлаштирилган. Ўқитувчилар учун тақдим этилган материаллар, ўкув дастурлар, дарс режалар уч юздан ортиқ контенти жиҳатидан ушбу сайт жаҳонда тенги йўқ ҳисобланади. Онлайн ахборотнинг ишончлилигини текшириш, тармоқ маркетинги, реклама, махфийликни ҳимоя қилиш, тармоқда қўрқитиш, маданий хилма-хиллик ва бошқа шу каби мавзуларлар энг оммабоп ва машҳурлари ҳисобланади. Канада ахборот телекоммуникация соҳасидаги энг муҳим ютуқлари қаторига йирик жамоат кутубхоналарни ҳам киритиш мумкин. Кутубхоналарнинг 98 фоизи Интернет тармоғига уланган бўлиб, барча мактабларга ундан бепул фойдаланиш ҳукуқи тақдим этилган.

Шахснинг ахборот маданиятини ривожлантиришида медиакомпетентлилик ёндашувини жорий этишининг Австралия тажрибаси. Ғарбнинг ривожланган мамлакатларидан ҳудудий жиҳатдан узилиб қолган Австралияда медиатаълимга йўналиш Г.Лассуэл (H.Lasswell)нинг машхур модели (“коммуникатор” – “ахборот” – “канал” – “қабул қилувчи” – “тъсир”) билан боғлиқ ҳолда келиб чиқсан¹. Медиатаълим мактаб ўқув дастурларида мажбурий фан сифатида ўқитилмоқда (1-синфдан 12-синфгacha). Австралияда медиатаълим ҳодимлари АТОМ (Australian Teachers of Media) ассоциациясига бирлашган бўлиб, ушбу марказ ҳар уч ойда “METRO” журналини нашр этади. АТОМ (Australian Teachers of Media) ассоциацияси мунгизам равишда медиага оид анжуманлар ўтказади, китоблар нашр этади, аудиовизуал ўқув қўлланмалар чиқаради. Австралияда бошлангич синфларда медиатаълим бўйича расмий ўқув дастури мавжуд эмас, аммо у инглиз тили фани доирасида ўқитилади. Медиатаълим машғулотлари маҳсус курсларда малака оширган ўқитувчилар томонидан ўтказилади. Австралияда Интернетнинг ривожланиши туфайли медиатаълим бугунги кунда тобора кенгайиб, ушбу соҳасидаги мутахассислар халқаро даражада етакчи бўлиб бормоқда. Медиатаълим мамлакат олийгоҳларида ҳам етакчи позицияга эга. Австралия медиапедагогика соҳасидаги илмий-таълим марказлари фаолиятининг муҳим йўналиши – мактаб ўқув дастуридаги асосий ҳамда қўшимча фанларга медиани интеграция қилиш, мактаб ўқувчилари ва ёшлар медиатаълимини ривожлантириш ҳисобланади. Ўқитувчиларни ўқитиш асосан маҳсус малака ошириш курсларида амалга оширилади.

Шахснинг ахборот маданиятини ривожлантириша медиакомпетентлилик ёндашувини жорий этишининг Франция тажрибаси. Француз медиатаълимининг ривожланишида 1947 йилда ташкил этилган Миллий аудиовизуал институти (L'I.N.A. – L'Institute National de l'Audiovisuel) муҳим роль ўйнади. Унинг инновацион бўлими аудиовизуал материаллар,

¹ Федоров А.В., Сердюков Р.В. Медиаобразовательные центры в Австралии // Медиаобразование. 2012, № 1.

медиадаги публикациялар (асосан телевидение ва радио) бўйича тадқиқотлар коллекциясини ташкил этган. Францияда медиатаълим соҳасидаги кўзга кўринарли лойиҳалардан бири 1976 йилдан ўтказила бошлаган Мактабда матбуот ҳафталиги (*Semaine de la Presse dans l'école*)дир. Лойиҳа фақат босма нашрлар эмас, аудио ва телевидениени ҳам ўз ичига қамраб олади. Матбуот ҳафталиги ўқувчилар ва профессионал журналистларнинг ҳамкорликда ишлашини кўзда тутади. Мақсад – таҳсил олувчиларга медиа фаолияти хусусиятларини тушунтиришdir. Бу “бажариб ўрганиш” - ‘learning by doing’ орқали амалга оширилади. Бунда имитацион ижодий вазифалар берилади ва турли жанр ва кўринишдаги медиаматнлар яратилади. Матбуот ҳафталигига 7000та француз мактаби иштирок этади¹.

CLEMI (Centre de liaison de l'enseignement et des médias d'information) маркази медиани таълим жараёнига жорий этиш, ўқитувчиларга курслар ўтказиш, медиатаълим масаласига бағишлиланган газета, журнал ва китобларни чоп этиш, медиамаданият муаммоларига бағишлиланган ресурсларни тўплаш билан шуғулланади. CLEMI дастурларини ЮНЕСКО билан ҳамкорликда амалга оширади. CLEMI ўзининг хусусий медиаматериаллари(60000 нусхадаги турли мактаб журнал ва газеталари, 500 видеокассета, 500дан ортиқ китоб, юзлаб докторлик ва магистрлик ишлари ва тадқиқотлари)га эга. Нафақат ўқитувчилар, талабалар ва ўқувчилар билан, балки журналист ва кутубхоналар билан ҳам ҳамжиҳатликда ишлайди. CLEMI ўртacha ҳисобда ҳар йили 15 минг ўқитувчига курслар ташкил этади².

Шахснинг ахборот маданиятини ривожлантиришида медиакомпетентлилик ёндашувини жорий этишининг Финляндия тажрибаси. Финляндияда медиатаълим 1970 йилдан ўрта мактабларнинг, 1977 йилдан эса олий ўқув юртларнинг ўқув дастурларига киритилган эди. 1990 йилларда эса мамлакатда медиасаводхонлик медиатаълим тушунчаси билан алмаштирилди.

¹ Martineau M. (Ed.) (1988). *L'enseignement du cinema et de l'audiovisuel*. Paris: CinemAction, 299 p. p.28

² CLEMI (1996). *L'Actualité et les medias à l'école primaire, au collège et au lycée*. Paris: CLEMI, 120 p p.16

Медиадан фойдаланиш ёшлар, айниқса талабаларнинг бўш вақтини ўтказишнинг муҳим қисми ҳисобланади. Финляндияда ёшлар жамоат марказлари фаолияти яхши йўлга қўйилган бўлиб, уларда юқори малакали мутахассислар иш олиб боради. Ёшлар ушбу марказларга иш вақтида, одатда кечки пайтлар ва дам олиш кунлари бемалол мурожаат этиши мумкин. Улар марказларга ўзаро мулоқот қилиш ҳамда турли тадбирларда иштирок этиш учун келади. Олий ўқув юрти кутубхоналари қошидаги ахборот ресурс ва ёшлар марказлари, катталар ва ёшлар ўртасидаги мулоқот ва мунозараларнинг муҳим майдончаси ҳисобланади. Ҳар ойда *Painovirhe* номли веб-журнал чоп этилади. Ўсмирлар журналнинг ҳар бир сони учун мақолалар ёзади, фотосурат ва видеомаҳсулотлар тайёрлайди. Вебжурналда турли концерт, китоблар ва альбомлар ҳақидаги шарҳлар, ўсмирлар ҳаётига доир мақолалар, шеърлар, хикоялар, видеомаҳсулотлар ва маҳаллий ёшлар кенгаши фаолияти ҳақидаги янгиликлар эълон қилинади.

ХУЛОСА

Умуман олганда, шахснинг ахборот маданиятини ривожлантиришда медиакомпетентлилик ёндашувини жорий этиш борасидаги ўрганилган хориж тажрибаларини умумлаштириш асосида шахснинг ахборот маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш учун замонавий босқичда ахборот, компьютер, АҚТ, медиа воситаларини бирлаштириш лозимлиги аниқланди. Бундан ташқари шахснинг медиакомпетентлилигини шакллантириш медиатаълим орқали амалга оширилмоқда. Ушбу соҳани ривожлантириш учун меъёрий-хуқуқий, ташкилий ва маънавий-маърифий йўналишлар асосий ўрин тутиши аниқланди.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш мумкинки, бугунги кунда ахборот соҳасида бир қатор муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, ижтимоий тармоқлардан, тезкор хабарларни тарқатиш техник майдончаларидан, оммавий ахборотларни тарқатиш, мессенжерлардан фуқароларнинг шахсга доир хуқуқлари, уларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ахборотнинг конфиденциаллиги қўпол равища

бузилиши ҳолатлари кўплаб учрамоқда, шахснинг физиологик ва психологик руҳиятига таъсир кўрсатадиган нолегал ахборотлар ҳам тарқатилмоқда. Ушбу муаммолар Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларда белгиланган қоидалар амалиётининг самарадорлигини таъминлашни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасининг шахснинг ахборот маданиятини ривожлантиришда медиакомпетентлилик ёндашуви устувор йўналишларини аниқлаш юзасидан соҳада етакчи давлатлар Америка Кўшма Штатлари (АҚШ), Канада, Австралия, Франция ва Финландия хорижий давлатлар тажрибалари ўрганилди. Уларнинг ижобий тажрибаси таҳлил қилиниб, Ўзбекистонда медиа ва ахборот соҳасининг меъёрий-ҳукуқий, ташкилий-техник, маънавий-марифий йўналишларини ривожлантириш, таълим соҳасида медиатаълимни жорий этишни амалга ошириш кўзда тутилган чора-тадбирлар юзасидан мулоҳазалар билдирилди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида. № ЎРҚ-444. // Қонун ҳужжатлари миллий базаси – <https://lex.uz/docs/4013413>
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартибинизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. / Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 47-б.

- 3.Бола ҳукуқлари түғрисидаги халқаро Конвенция. //www:un.org
- 4.Медиа ва ахборот саводхонлиги түғрисидаги Фес Декларацияси (Фес шахри, Марокаш, 2011 йил 15–17 июнь).
- 5.ИФЛАНИНГ медиа ва ахборот саводхонлиги бўйича тавсиялари (Гаага шахри, Нидерландия, 2011 йил 7 декабрь; Россия, 2012 йил 24–28 июнь) ва бошқа хуж.
- 6.Гендина Н.И. Формирование информационной и медиаграмотности в условиях информационного общества: новая инициатива ЮНЕСКО и проблемы российского информационного образования. // Педагогика. Психология. Выпуск №1 / 2012. – С. 140–161.
- 7.Очерет Ю. Формирование информационной культуры личности в условиях информационно-библиотечных учреждений. // Информационная культура в контексте новой парадигмы образования: проблемы, поиски, решения. – Кемерово: ОблИУУ, 2001. – С. 150.
- 8.Рустамова Н.Р. Медиатаълимнинг ривожланиш тарихи ва узлуксиз таълимда қўллаш имкониятлари. Uzluksiz ta’lim №5. Тошкент: 2013. 71-75 б.
- 8.Кузьмин Е.И., Паршакова А.В. Медиа и информационная грамотность в обществах знания. Москва:МЦБС, 2013. С.14-9
- 9.Медиа ва ахборот саводхонлиги: моҳият, йўналишлар ва шакллар. Тошкент: ЮНЕСКО, 2014.
- 10.Вебер В. Портфолио медиаграмотности. //Информатика и образование. 2002. №1/ http://www.infojournal.ru/journal_arxiv/2002/
- 11.Baran, S. J. (2002). Introduction to Mass Communication. -Boston-New York: McGraw Hill, 535 p.
12. Considine D. (2000). Mastering the Media: The Appalachian Experience. Telemedium. The Journal of Media Literacy, Vol. 46, N 1, pp.22-23.
13. Martineau M. (Ed.) (1988). *L’enseignement du cinema et de l’audiovisuel*. Paris: CinemAction, 299 p. p.28

14. CLEMI (1996).L'Actualite' et les medias ' a l'ecole primaire, au college et au licee. Paris: CLEMI, 120 p p.16
15. Колесниченко В.Л., Канадские научно-образовательные центры в области медиапедагогики: сравнительный анализ//Дистанционное и виртуальное обучение. 2011, № 5. С.38-59
16. Левицкая А.А., Сердюков Р.В. Американские научно-образовательные центры в области медиапедагогики: сравнительный анализ//Дистанционное и виртуальное обучение. 2010, № 10. С.63-89